O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI
HOKIMINING
**Q A R O R I**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**П О С Т А Н О В Л Е Н И Е**
ХОКИМА
УЗБЕКИСТАНСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2020 yil "20" май № 722

***Спортнинг футбол турини ривожлантириш мақсадида "PFK TURON" футбол клубига ёшлар академияси ва машғулот ўтказиш майдони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2020 йилдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5924-сонли Фармонида Ўзбекистон туманида спортнинг футбол тури ривожланаётган йўналиш этиб белгиланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 27.12.2019 йил куни мамлакат ёшлари билан видеоселектор тарзида ўтказилган 58-сонли йиғилиш баёни, Фарғона вилоят ҳокимининг 07.01.2020 йилдаги 07/01-49-сонли Ўзбекистон туманида ўтказилган "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви йиғилиш баёни, Фарғона вилоят ҳокимининг 29.01.2020 йилдаги 33-ф-сонли Фармойиши, Ўзбекистон туман ҳокимининг 20.01.2020 йилдаги 143-сонли Қарорининг 13-банди ижросини таъминлаш ҳамда "**PFK TURON**" футбол клуби директори А.Ахмадалиевнинг Ўзбекистон туман ҳокимлигида 07.05.2020 йил куни 476-сон билан кайд этилган алока хати юзасидан тўпланган хужжатларни кўриб чикиб Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 6-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2020 йилдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5924-сонли Фармонида ёшларни спорт билан банд қилиш мақсадга мувофиқ бўлишлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёв раҳбарлигида 27.12.2019 йил куни мамлакат ёшлари билан видеоселектор тарзида ўтказилган 58-сонли йиғилиш баёни, Фарғона вилоят ҳокимининг 07.01.2020 йилдаги 07/01-49-сонли Ўзбекистон туманида ўтказилган "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви йиғилиш баёни, Фарғона вилоят ҳокимининг 29.01.2020 йилдаги 33-ф-сонли Фармойиши, Ўзбекистон туман ҳокимининг 20.01.2020 йилдаги 143-сонли Қарорида туман захирасидан **"PFK TURON"** футбол клуби фаолиятини кенгайтириш, клуб ёшлар академиясини ташкил этиш ва машғулот ўтказиш майдони бино-иншоотларини куриш учун ер майдони ажратиш белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин;

**2. “PFK TURON”** футбол клуби директори А.Ахмадалиевнинг туман ҳокимлигида 07.05.2020 йил куни 476-сон билан кайд этилган алока хати ҳамда Фарғона вилоят ҳокимининг 07.01.2020 йилдаги 07/01-49-сонли Ўзбекистон туманида ўтказилган “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви йиғилиш баёни, Фарғона вилоят ҳокимининг 29.01.2020 йилдаги 33-ф-сонли Фармойиши, Ўзбекистон туман ҳокимининг 20.01.2020 йилдаги 143-сонли Қарори 13-бандини ўрганиш бўйича туман ҳокимлиги хузуридаги доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг 13.05.2020 йилдаги **“PFK TURON”** футбол клуби фаолиятини кенгайтириш мақсадида клубга туман захирасидаги бўш турган А.Ниёзов ММТП худуди 917к-контуридаги 1,0 га ер майдонини ёшлар академияси ва машғулот ўтказиш майдони бино-иншоотларини қуриш учун ажратиш тўғрисидаги хулосаси тасдиклансин;

**3.** Қурилишга рухсат берилаётган ер майдонидан белгиланган мақсадда фойдаланиш жараёнида курилиш ишларини Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27, 39 ва 54-моддаларига асосан ташкиллаш вазифаси **“PFK TURON”** футбол клуби раҳбари (А.Ахмадалиев) ҳамда Ўзбекистон туман жисмоний тарбия спорт ишлари бўлими (Х.Мухитдинов) зиммасига юклатилсин;

**4.** Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (А.Ражабов) ва туман курилиш бўлими бошлиғи (О.Вахобов)га ажратиб берилган ер майдонларини жойида ўлчаб кўрсатиш ва йиллик ер баланси тузишда ер майдонларига тегишли ўзгартириш киритиб ёзиб қўйиш ҳамда курилишни белгиланган нормалар асосида олиб борилишини назорат килиш вазифаси топширилсин;

**5.** Ушбу карорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари И.Нажмиддинов ва И.Турсуновлар зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими:** BAYON QISMI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI O'ZBEKISTON TUMAN HOKIMLIGI **Қ. Джўраев**

Ўзбекистон тумани доимий харакатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг туман захира ерларидан «PFK TURON» футбол клубига «ёшлар академияси ва машғулот ўтказиш майдони» қурилишини лойихалаш ва куриш учун ер майдони танлаш ва ажратиш хақидаги

ДАЛОЛАТНОМАСИ

13.05.2020 йил Яйпан шахри

Туман доимий харакатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг раиси:

И.Нажмиддинов - туман хокимининг ўринбосари
И.Турсунов - туман хокимининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:

А,Ражабов- туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи
О.Вахобов- туман қурилиш бўлими бошлиғи
Ғ.Хамрақулов- экология хамда атроф мухитни мухофаза қилиш сохсидаги назорат бўйича Ўзбекистон тумани инспексия бошлиғи
А.Сулаймонов- туман Давлат санитария эпидемиология назорати маркази бош врачи
Ж.Мелиев - туман электр тармоклари идораси бошлиғи
Д.Рахмонов - туман ИИБга карашли ДЁН бўлими бошлиғи
Э.Рахимов - “Водийгазтаъминот” УК туман филиали директори
А.Ахмадалиев- **«PFK TURON»** футбол клуби бош директори

Шу куни **«PFK TURON»** футбол клуби бош директори А.Ахмадалиевнинг туман хокимлигида 07.05.2020 йилда № 476-сон билан кайд этилган аризасида туман давлат захирасига карашли қишлоқ хужалигида фойдаланилмайдиган ердан **«ёшлар академияси ва машғулот ўтказиш майдони»** курилиши учун ер майдони ажратиб берилишини сураганлигини эътиборга олиб аризани урганиб чикдик.

Урганиш давомида **«PFK TURON»** футбол клуби томонидан **«ёшлар академияси ва машғулот ўтказиш майдони»** курилиши учун суралган ер майдони А.Ниёзов ММТП худудида жойлашган туман захирасига карашли № 917қ-контурда қишлоқ хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан иборат эканлиги, суралган жой архитектура, санитария-гигиена ва ёнгинни олдини олиш, табиатни мухофаза килиш талабларига тулик мос келишлигини аникладик.

Юкоридагиларни хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5924-сонли фармонида Ўзбекистон туманида спортнинг футбол тури ривожланаётган йўналиш этиб белгиланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев рахбарлигида 27.12.2019 йил куни мамлакт ёшлари билан видео селектор тарзида ўтказилган 58-сонли йиғилиш баёни, Фарғона вилоят хокимнинг 29.01.2020 йилдаги 33-ф-сонли фармойиши, Ўзбекистон тумани хокимининг 20.01.2020 йилдаги 143-сонли қарорининг 13-банди ижросини таъминлашни инобатга олиб **«PFK TURON»** футбол клубига А,Ниёзов ММТП худудида жойлашган туман захирасига карашли № 917к-контурдаги кишлоқ хужалигида фойдаланилмайдиган ердан **«ёшлар академияси ва машғулот ўтказиш майдони»** қурилишини лойихалаш ва куриш учун жами 1,0 (бир) гектар ер майдони танлаш ва ажратиш ишларини бажардик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.01.2020 йилдаги "Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-5924-сонли фармонида Ўзбекистон туманида спортнинг футбол тури ривожланаётган йўналиш этиб белгиланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев рахбарлигида 27.12.2019 йил куни мамлакт ёшлари билан видео селектор тарзида ўтказилган 58-сонли йиғилиш баёни, Фарғона вилоят хокимнинг 29.01.2020 йилдаги 33-ф-сонли фармойиши, Ўзбекистон тумани хокимининг 20.01.2020 йилдаги 143-сонли қарорининг 13-банди ижросини таъминлашни инобатга олиб **«PFK TURON»** футбол клубига А.Ниёзов ММТП худудида жойлашган туман захирасига карашли №917к-контурдаги қишлоқ хужалигида фойдаланилмайдиган ердан **«ёшлар академияси ва машғулот ўтказиш майдони»** курилишини лойихалаш ва куриш учун жами 1,0 (бир) гектар танланган ва ажратилаётган ер майдони чегаралари:

Жанубдан– БЎСМ
Шаркдан-коллектор
Гарбдан –махаллий йўл
шимолдан – коллектор

Танланган ер майдони рельефи текислик булиб, зил-зила бардошлилиги 8-9 балл.

Мухандислик тармокларига тегишли ташкилотларнинг техник шарт ва хулосаларига асосан уланади.

Даллолатномага ажратилаётган ер майдонининг 1:10000 нисбатли харитадан кучирмаси илова килинади.

Комиссия раиси: И.Нажмидинов

И.Турсунов

Комиссия котиби: А.Ражабов

Комиссия аъзолари: О.Вахобов

Ғ.Хамракулов

А.Сулаймонов

Ж.Мелиев

Д.Рахмонов

Э.Рахимов

А.Ахмадалиев

«PFK TURON» футбол клубига А.Ниёзов ММТП худудида жойлашган туман давлат захирасига карашли №917к-контурдаги қишлоқ хужалигида фойдаланилмайдиган ердан «ёшлар академияси ва машғулот ўтказиш майдони» қурилишин учун ер майдони ажратиб берилаётган қисмининг харитадан.

КЎЧИРМАСИ

Нисбати 1:10000




Шартли белгилар:

917к-контур рақами

-ариқлар

-йўллар

-ажратилаётган ер майдони

КЕЛИШИЛДИ:

Туман Ер ресурлари ва давлат Кадастр бўлими бошлиғи: А.Ражабов

“Турон ПФК” директори: А.Ахмадалиев